

Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Бог'от тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси
Хоразм вилояти
Бог'от тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ

220200 Бог'от шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-52-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 465и

Бог'от шаҳарчаси

Нусха № 1

Фуқаро Абдуллаев Акбарали
Жумабоевичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб
бериш тўғрисида

Бог'от тумани “Саҳоват” маҳалласида яшовчи фуқаро Абдуллаев Акбарали Жумабоевичнинг “Саҳоват” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 3 февралдаги ХО-А-331-сонли аризасини, “Саҳоват” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Бог'от туман филиалининг 2020 йил 15 январдаги № 125-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Бог'от туман ҳокимининг 2003 йил 12 мартдаги № 163-сонли қарорига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Бог'от тумани “Саҳоват” маҳалласида жойлашган 7 (етти) та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 74,81 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 63,29 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 138,10 квадрат метр, қурилиш ости майдони 184,45 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Абдуллаев Акбарали Жумабоевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Абдуллаев Акбарали Жумабоевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда

тегишли ташкилотлар билан келишмаган холда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Абдуллаев Акбарали Жумабоевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матякубов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



О.Холбоев